

# ЖОЛЛІК СЎЗІ





1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

22 март, чоршанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 56 (1058)

## НАВРЎЗИНГ МУБОРАК, ҲУР ЎЗБЕКИСТОН!



СУРАТДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

ЎЗА ва Ш. ИБРОҲИМОВ олган суратлар.

ТОШКЕНТ. 21 март. Алишер Навоий ёдгорлик мажмуи рўпарасидаги кенг майдонда эрталабдан байрамона руҳ ҳукмрон. Обираҳмат Ёмирида ювинган Ўзбекистон Миллий боғининг дов-даракту гул-чечаклари кўкларнинг масум тиниқлигига йўрилган. Иморатлар куббаларида тонг кўёшининг заррин нурлари жилваланади.

Улуғ бобомиз ёдгорлиги қаршида тикланган тўғрақ шаклдаги улкан саҳнада томошагоҳ ўзининг бетакрор қўрқи ва салобати билан кишини ҳайратга солади. Томошагоҳ пойтахтликлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан таклиф этилган меҳмонлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари билан тўлади.

... Эрталаб соат 9.00. Томошагоҳ тўридаги шоҳуладан Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов, республика Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Абдулҳалим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Наврўз умумхалқ байрамига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Ҷўрабеков, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, бошқа расмий кишилар жой оладилар.

Шодиёналар аввалида республика Президенти Исом Каримов Ўзбекистон халқини гўзал баҳор айёми — Наврўзи олам билан му-

боракбод этиб, табрик нутқи сўзлади.

Сўнг Наврўзга бағишланган томошалар бошланди. Ранг-баранг либослардаги йигит-қизлар сафи карнай-сурнай ва ноғора садолари остида ҳазрат Навоий пойгоҳидан томошагоҳ сари йўл олади...

Мамлакатимиз раҳбари Наврўзининг тарихи, уни бугунги кунда нафақат Ўзбек халқи, балки республикаимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ҳам бирдек умумхалқ байрами сифатида шодиёна билан нишонлаётгани хусусида гапирган эди. Дарҳақиқат, бу улуғ айём ўлкаимиз истиқлоли билан янги мазмун касб этиб, халқлар дўстлиги, биродарлиги, қон-қардошлик байрамга айланган.

Келинг, Наврўзнинг асосий тантаналари ўтаётган ушбу маҳкамдаги томоша бошланган ана шу фурсатда бир лаҳзага ҳаёл тулпорларида мамлакатимиз бўйлаб сайрга чиқайлик. Пойтахтнинг кўллаб катта-кичик майдонлари, кўча-кўйлар, маҳалларда, вилоятлар ва туманлар марказларида, қасаба ва қишлоқларда ҳам худди шу бугун, шу сонияларда Наврўз одамларга бемисл шоду хуррамлик улашмоқда. Мамлакатимиз худудда яшовчи турли миллат кишилари Наврўз таомларидан татиб роҳатланишди. Айтишларича, бир қозондан таом еганлар бир-бирига қариндошдек яқин бўлиб қолишар экан. Бу муқаддас кун Ўзбекистонимиз бўйлаб шу қадар кенг ми-

қёсда улуғланаётгани гўёки юртбошимизнинг башоратлари аллақачон ижобат бўла бошлаганидан дарак бераётгандек.

... Томошагоҳ бўйлаб сеҳри наво таралади, ғазал янграйди. Кенг саҳна ҳаракатга келади. Рангин либослардаги раққосларнинг нолик ҳаракатлари нигоҳларни сеҳрлайди. Майдоннинг етти жойида етти раққосдан иборат етти гуруҳ чарх уриб ўйнайди. Табиат жонланади. Афсонавий оҳангдилларни Берунийдан Улутбек бобомизга қадар кашф қилиш ишида ёнган қонинг сирларига ошно этди. Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Берунийнинг ёзишча, Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган. Шу кунда фаршталар, қуёш яратилган. Бинобарин, у замонанинг биринчи кунидир. Сирли рақам ва жозибали муқомлар оламнинг ана шу биринчи кунини — илк Наврўз ҳақида ривоят сўзлайди.

Туйқус майдондаги фавворалар биллурланади. Чархпалаклар гир-гир айланган билан саҳна айланади, сувни улуғлаб, қўшиқ айтади. Ёғоч тулпор минг кийган қизчалар қуршовида шаршарадек товланиб, сув маликаси ташриф буюради.

Олам бунёд бўлишида муҳим ўрин тутган тўрт унсурдан бири — сувга эътиқод бизга бобоморседир. У покликка, ҳалолликка бўлган интилишлардан пайдо бўлган. Истиқлол халқимизга моддий ва маънавий бойликларни тиклаш ва қа-

дрлаш имконини берди. Хусусан, сувни эътиқодимиз қадимий ахлоқий ақидаларимизга амал қила бошладик. Ҳозирда ариқ-зовурлар, анҳорлар ва бошқа сув ҳавзаларининг тозаллигига катта эътибор берилляпти.

Бугунги мураккаб экологик шароит оби ҳаётни асраб-авайлаш муҳимлигини кўрсатмоқда. Ҳосилдорликни ошириш эвазига пахта майдонларининг қисқартирилиши туфайли республика раҳбарияти ибратли ишларни амалга ошироқда. Жумладан, яқиндагина Дашҳовузда ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ҳам ана шу муаммоларни ҳал этишга бағишланди.

Қадим ажлодларимиз — сўғлардек кийинган қизлар елкаларида сопол кўзалар билан саҳна айланган, сувни улуғлаб, қўшиқ айтади. Ёғоч тулпор минг кийган қизчалар қуршовида шаршарадек товланиб, сув маликаси ташриф буюради.

Куй қўшиққа, қўшиқ рақсага, рақс олқишга уланади...

Томошагоҳ узра қуёш тимсолидаги ҳаво шарни юксалади.

Соҳибқирон Амир Темур салтанати пойтахти кўҳна ва

гўзал Самарқанднинг кўрки — Шердор мадрасаси пештоқдаги қуёш тасвири.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, истиқлол билан бирга Ўзбекистонга Соҳибқирон бобомизнинг табаррук номи ҳам қайтди. Пойтахтнинг қоқ ўртасида Амир Темурга ҳайкал тикланди, марказий хиёбон шавкатли бобомиз номи билан аталмоқда. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйини нишонлаш тўғрисидаги қарорни эълон қилиниши бу борадаги сазой-ҳаракатни бутунлай янги поғонага кўтарди. 1996 йилда жаҳон миқёсида нишонланадиган ушбу кутлуғ санга кенг кўламли тайёргарлик ишлари бошланган бўлиб, олам яратилгандан буён октябрда буюк турон замини жаҳонгир Темур сингари дунёни ҳайратга солган қанчадан-қанча қуёш каби порлоқ сиймоларга оналик қилди. Балки, шу боис, бани башар Ўзбекистонимизни қуёш ўлкаси, деб таърифлашда ҳам ўзига хос улуғворлик бордек туюлар.

Қуёш — инсониятнинг, ернинг мурабийи. Қуёш рамзи бўлган раққос етти сайёра — қизлар қуршовида саҳнага чиқди. Қуёшга сийганин кўҳна ажлодларимиз ёдга тулади. Куй, ғазал ва рақсларда ҳақиқат, озолик, ҳаёт, абадият рамзи бўлган офтоб мадҳ этилади.

Саҳна томошасининг навбатдаги қисми инсоният ватани — она ернинг яратилишига бағишланади. Мустанқил Ўзбекистон ер ха-

ритасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллагани рақс ва қўшиқларда ифода этилади. Халқимиз азалдан Ватанини улуғлаган, юксак қадрлаган. Яқинда улуғвор боболаримиздан бири — Заҳриддин Муҳаммад Бобур хотирасига унинг киндик қони тоғдан заминда мақбара тикланди. Бу ерга ҳижратда долрулоққа юз тутган музаффар шоҳ ва дилбар шоирнинг учта йирик хорижий шаҳардаги даҳмаларидан хоки туроблари келтирилди. Бу — халқимизнинг тупроққа, ерга бемисл меҳри ифодасининг бир кўринишидир. Юртбошимиз иқтисодий ислохотлар жаҳбасида ерни эгасига — деҳқонга, миришкорга беришга даъват этар экан, халқнинг ана шу азалий эътиқолига таянган бўлса, ажаб эмас.

Саҳнага ер сайёрасининг рамзи — табиатнинг турфа рангларни акс этиб турган либосдаги қиз кириб келади ва чарх уриб рақс тушади. Ер фарзандлари — турли халқлар ва элларнинг санъати намойиш қилинади. Турли хил миллий либослардаги йигит-қизлар Ўзбекистондаги барқарор муҳит, миллатлараро тотувлик, халқлар дўстлигини куй ва муқомларда улуғлайдилар. Қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, корей, украин, рус ва бошқа халқлар миллий санъати билан кўрсатилган лавҳаларда Наврўз умумхалқ байрами сифатида тараннум этилади...

Ниҳоят, майдонга Наврўз тайёрлиги буюради. Бойчечаклару доллар рангоранглиги кўзни қувнат-

ди. Майдон четида юксак тоғ ва адрлар, қизғалдоқзорлар манзараси пайдо бўлади. Чархпалак етти хил рангда товланиб айланади. Уруғлик жойланган қопларни орқалаб норғул йигитлар кириб келади...

Деҳқончилик баракаси — юртнинг тинчлигидир. Миллий тотувлик, сиёсий барқарорлик йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимиз ғаллакорлари, ғаллачилик соҳасида иқтисодий мустақилликка эришишга аҳд қилганлар. Деҳқонларимиз жорий йилда 3 миллион тоннадан ортиқ дон етиштиришни кўзламоқдалар. Улуғ айёмнинг ана шу табаррук лаҳзаларида юксак ниятларни дилига жо этган миришкорларнинг кўкси гурғурга, билаклари кучга тўлаётган бўлса, не ажаб!

Томошалар сўнгида наврўзнинг азалий томилиридан бири ало этилади: деҳқонлар ризқ-рўз, эзгулик ва келажак рамзи — бугудой долларнинг ерга сочили, меҳмонларга улашади. Қўшиқ янграйди:

**Ўзбекистон, хур ватан**  
**учун,**  
**Хур юртдаги ҳар одам**  
**учун,**  
**Қадим Наврўз олам**  
**учун**  
**Ерга уруғ сочайлик...**

Алишер Навоий ёдгорлиги майдонда байрам шодиёналари кечгача давом этди. Ёдгорликка туташадиган барча йўл-йўлақлар сайилга мос ясалган, афсонавий қасрларда тўкин дастурхонлар ёзилган,

байрам таомларию турли-туман ширинликларнинг ҳисоби йўқ. Кутлуғ байрам — Наврўзи оламни ҳаюмроғларимиз ёруғ табассум билан қаршилайдилар. XXI юзйиллик остонасида истиқлол нашбу намосини сураётган ана шу бахтиёр авлодларига асрлар тилсизласидан туриб «Ҳар тунинг қадру бўлсин, ҳар кунинг улсин Наврўз», дея лутф қилган буюк шоир ва мутафаккир бобокалонимиз қадам-жолари чаман-чаман гуллар, гуллардан-да гулгунроқ чечралар билан янада пурзий.

Турфа хил байроқлар, ранг-баранг гуллар ва сержило либослар ўзаро уйғунлашиб, бу беназир маскан бамисли жаннатий гулзорга айланган. Қизиқчиларнинг ичакузди асқияларию аломат кийинган масхарабозлар кўрсатаётган томошалар сайл аҳлини хушнуд этади. Майдоннинг бир неча жойида тикланган долларда — еру осмон оралиғида доллар билан муаллақ туриб томоша кўрсатади. Унданда юксакда — булутларга ёдош жойларда соҳибларнинг орауларидек рангин варраклар парвоз қилади...

Худди ана шундай Наврўз тантаналарини пойтахтнинг Мустанқиллик ва Халқлар дўстлиги майдонларида, Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театри олдидан, Сайлгоҳ кўчаси, Амир Темур хиёбони, Хадра майдонидан, барча маҳалла гузарларида ҳам бўлиб ўтди.


Ҳулом МИРЗО,  
ЎЗА махсус мухбири.

### МУЗЕЙНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

21 март кунини собиқ Ленин музейи ўрнида ташкил этилган, Ўзбекистон давлат Тарих музейининг тантанали очилиш маросими бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов кириш сўзи билан очди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси президенти вазифасини бажарувчи Ж. Абдуллаев, республика «Ёдгорлик жамиятининг» раиси Н. Муҳитдинов, академик Г. Пугаченкова, халқ расоми Б. Жалолов ва бошқалар маз-

кур маънавият даргоҳининг очилиши баҳор байрами — Наврўзга тўғри келганида рамзий маъно борлигини қайд этдилар. Бу музей халқнинг ўзлигини англашда, тарих ва бой маданий меросини тарафдан ўрганишда, меҳнаткашларни, айниқса ёш



авлоднинг мустанқил ватанимизга садоқат ва меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этажа-

гини таъкидладилар. Шундан кейин тантанали равишда қизил лента қирқилди. Маросим иштирокчилари музей экспозициялари билан танишдилар. Бу ерга саккиз мингта осориатика қўйилган бўлиб, улар халқимизнинг бой тарихини, бутунги буюк ўзгаришларни тўлақонли акс эттиради.

Маросимда республика Президентининг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, бир қатор хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари қатнашди. (ЎЗА).

### Хабарлар оқимидан

#### БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг қарорига асосан ўтказилган «Наврўз-95» республика театрлари фестивалини ўтказувчи ишчи гуруҳи аъзолари Қашқадарь вилоятида бўлишди.

Вилоятнинг Мулла Тўғчи Тошмуҳамедов номидаги драма театрида Анавар Обиджон асари асосида саҳналаштирилган «Тутиқул ёҳуд Афандининг найранги» номли томошаси, Эски масжид театр студиясининг Шодимон Шоманасий асари асосида тайёрланган «Меҳрибонгинам» спектакли, Мулоқот театр студиясининг «Бахтиёр буюқнинг бахти» саҳна асарлари

ҳайрат аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

Гулнора ҚУРБОНОВА,  
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

#### ЖИЗЗАХЛИКЛАР ХИЗМАТДА

Дейримизда ишчи-деҳқон ҳамкорлиги кун сайин қадр топтоқда. 19-23 март кунлари Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида жиззахликлар ташкил этилган ярмарка бунинг далилидир. Беш кун давом этадиган мазкур савдосотиқда шаҳарликларга боболқон саховати сифатида 164,5 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, эллик минг донга тухум етказиб бериш кўзда тутилган.

Х. НАБИРАЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# НАВРЎ БУТУН МАМЛАКАТИМИЗДА ЗЎР ШОДИЁНАЛАР БИЛАН НИШОНЛАНМОҚДА

## АНДИЖОН



Наврў — халқимиз учун қадимийлиги, ота-боболаримиз боқий удувлари, анъаналарининг юзига чиқарилганлиги билан ҳам янада қадри. Андижонликлар янгиланиш, яшарли фаслининг қутлуғ кунини орзиқиб қуттишган. Шу боис ҳам эрта тонгдан қўйларда карнай-сурнай сардорлари янгради. Шаҳар марказидаги шохқўча бўйлаб театрлаштирилган бадиий композиция билан шодибона муқаддаси бошланди. Таъбир жоиз бўлди, отлик, пиёда қўшинлар билан бобомиз Мирзо Бобур ўз юртига кириб келди. Суворийлар ўз моҳирлигини намойиш этдилар.

Андижон шаҳрининг одамлар билан гавжум бешта жойига катта саҳна қўйилган. Авазбек Махдумов, Илҳом Жўраев, Турсунбой Парпиев каби хушовоз хонадалар, дилбар рақосалар мароқиди концерт дастури намойиш этдилар.

Шаҳар ва туманларда яхши ният билан янги қурилиш бинолари фойдаланишга топширилди. Беморлар, шароити оғирлар йўқланди. Андижон шаҳар ҳокимлиги эса шаҳардаги шиофоналарга кўрпа-ёстиқ жилдлари, тиббиёт анжомлари тарқатди. Албатта, дала ишлари ҳам қанот ёзди. Ерга уруғ ташланди.

**Ф. ШОДМАНИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## БУХОРО

Наврў олами бухороликлар ҳам ўзига завқ-шаҳк билан қўлиб олишди. Шофиркон, Жондор, Гиждувон, Қорақўл туманларида тилга олма арзиғуллик байрам тадбирлари амалга оширилди. Тадбиркор ва ишбилармонлар Наврўни омманинг тарзда ўтказиш учун ташаббус кўрсатганлари дилларни қувонтирди. Қорақўллик фермер Рўзимурод Сайлихонов ҳамда гиждувонлик тадбиркор Вали Тошўлатовлар маҳалла аҳлига ўз ҳисобларидан дастурхон безадиладар, сумалак, ҳалим каби миллий таомларни тайёрлашда бошқоқ бўлилар. Вилоят марказида барча иштирокчилар билан сайиллар ва савдо ярмаркалари ташкил этилди. Наврў арафасида вилоят ҳокимлиги ва «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими шаҳардаги «Бухоро» меҳмонхонасида 50 та кам таъминланган ва етим болаларнинг мучал тўйларини ўтказишди. Уларга кўйлаб совға-саломлар тарқатилди. Бу ташаббус вилоятда кенг тарқалди, барча масканларда бўлиб ўтди.

Бухорода 18 мартда Наврў эодли хайрия ҳашари ўтказил-

ди. Ундан тушган маблағ ҳисобига ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлар қўллаб-қувватланди.

Уйингоҳларда сайилдан сўнг спорт мусобақалари ташкил этилди. Ҳар доимгидек, фахрийлар байрам туридан ўрин олдилар. Қарияларимиз ана шундай қадимий байрамимизнинг янада улғуворлик касб этишини таъминлашга бошқоқ бўлган юртбошимизга омонлик тилаб қолишди.

**Манинн ОТАБОЙ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЖИЗЗАХ

«Наврўбулоқ» сайилгоҳидан эрта тонгдан таралган куй ва карнай-сурнай наволари жиъзахликларни Етимгоҳ этакларига чорлади. Унгрлардаги сўқмоқлар одамларга тўлиб кетди. Улар буттур ўзлари ҳашар йўли билан эккан бодому ўриқларнинг қийғос гуллаганини қўриб қалблари завққа тўлди. Шундан сўнг халқ сайли бошланди. Дорбозлар, полновлар, спорт мактаблари, маданият уйлари жамоаларининг чиқишлари намойиш этилди.

Вилоят марказидаги Наврў тантаналари туманларга кўчди. Тоғ ва дашт одамлари ота-боболар удумига кўра ҳар бир жойда Наврўни ўзига хос тарзда нишонладилар. Форишнинг Қизилқир бағрида миллий байрам унутилган халқ уйинлари мусобақаси билан қўшилиб кетди. Жиззах қўли қурувчиларининг қирқдан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилаётган Бўстон шаҳарчасида миллий таомлар кўриги ташкил этилди. Зомин тумани ҳокимлиги ташаббуси билан кам таъминланган ўндан зиёд оилада келин-куёв ҳамда суннат тўйлари ўтказилди.

Жиззах туманидаги Олтинсой бодорчилик ширкати соҳибдорлари Наврў хиббони барпо этдилар. Қарийб уч гектарлик хиббон ўртасида чимхуов қилиниб, унинг уч тарафида теракзор, мевазор, гулзор ташкил этилди. Жиззахдаги Эски шаҳар бозори Пахтакор, Фалларол ва Дўстлик туманлари бозорлари байрам арафасида икки ҳисса кенгайтирилди. Дарвоза ва деворлари оқ гишт, тош ва мрамар парчалари билан безатилди.

Вилоятнинг барча тумани, шаҳарларида байрам ана шундай уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтди.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## НАМАНГАН



Вилоят халқи Наврў айёмини интизорлик билан қу-

тиб, унга пухта тайёргарлик кўридилар. Эрта баҳордан оқобдонлаштириш ва озодалик икки ойлиги, байрам арафасида эса меҳр-мурувват ойлиги кўтаринки руҳда бошлаб юборилди. Ана шу тадбирлар ассосида Наврў арафасида виллоятдаги икки миң нафардан зиёд кам таъминланган, ёрдамга муҳтож бева-бечоралар ҳолидан хабар олиниб, уларга меҳр-мурувват кўрсатилди. Хуллас, дили ўқсик, кўнгли яримта одамлар ҳам на зардан четда қолгани йўқ.

Шунингдек, Наврў арафасида виллоят миқёсида жулда улкан ишлар амалга оширилди. Янги-янги иншоотлар, маданият маркази масканлари қуриб, фойдаланишга топширилди. Наманган туманида янги шиофона, Наманган шаҳридаги иккита катта маҳалла гузарлари ва бошқа кўйлаб янги иншоотлар шулар жумласидан. Наврў айёмини ана шундай кўтаринки руҳ ва меҳнат зафарлари билан қарши олган виллоят халқи учун катта байрам тантаналари, оммавий сайла айланиб кетди. Бу сайил ва тантаналар олдатдагидек, виллоят марказидаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғидан бошланди.

Вилоятдаги барча ташкилот, корхона, муассасалар боғдан ўзлари учун ажратилган жойларни байрамона безаганлар. Дошқозонларда сумалаклар қайнамоқда. Наманган сув қурилиш трести, 2-автокорхона, Наманган кимё заводи, консерва заводи ўзлари учун ажратилган жойини дид билан безаганлигини ушбу жамоалар байрамга пухта ҳозирлик билан келганлигини сезиш мумкин.

Вилоятнинг барча маданият ва истироҳат боғларида, шаҳар ва туманлар марказларида, маҳаллаларда, қишлоқларда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг катта концерт дастурлари намойиш этилди. Эрталабдан кечгача миллий дор уйинлари, кўрик-танловлар, театрлаштирилган томошалар бўлиб ўтди.

**А. МАДАТОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## НАВОИЙ


Бу йилги Наврў навоийликлар учун икки ҳисса қўтулғ келди. Байрам арафасида виллоятнинг барча худудларида ёққан ёмғир чорвадорлар ва фаллакорлар учун қувонч келтирган бўлса, байрамдан кейин ўтказиладиган Референдум виллоят аҳлининг қувончига қўвонч бўлимоқда.

Байрам кунини Навоий шаҳрининг асосий майдонларида халқ сайиллари бўлиб ўтди. Сайилда виллоят ҳокимлиги раҳбарлари, Тошкент шаҳридан келган меҳмонлар қатнашдилар. Кўчаларда савдо расмталари уюштирилиб, кўкмак пиширилди, сумалак, ҳалим ва бошқа миллий таомлар байрам иштирокчилари дастурхонига тортиқ қилинди. Виллоятнинг бошқа туманларидан келган халқ дасталари ўзбекча, қозқочка, татарча ва русча ашуларлар, рақслар билан иштирокчиларнинг кўн-

гилларини хушнуд этишди. Виллоятнинг барча туманларида баҳор айёми кўтаринки руҳда нишонланди.

**Темур ЭШБОВЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## САМАРҚАНД



Йилдан йилга кўркам ва обод масканга айлантириладиган Чўпонота қирғиларида Наврў байрами муносабати билан катта халқ сайли уюштирилди. Шу кунини бу ерда виллоятдаги барча шаҳар ва туманлар иштирокчида қайта ташкил этиладиган қадимий Боғи Нақшжаҳон бағри қуйқўшиқ садоларига тўлиб-тошди.

Вилоят ҳокимияти сайл иштирокчиларининг кўнгли очилари учун барча шароитларни муҳайё этди. Наврў кунини Чўпонотада фақат савдо ташкилотлари эмас, балки барча сановат корхоналари ярмаркалар ташкил қилишди, унда ўзлари тайёрлаган маҳсулотлар аҳолига арзон нархларда сотилди. Бу ерга келган ўн миңлаб кишилар ажойиб томошалар, қизиқли уйрашувларнинг тўғоқи бўлишди.

Аҳолининг Чўпонота қирғиларига келишини ташкил этиш мақсадида Самарқанд шаҳар ҳокимлиги жулда катта ташкилий ишларни амалга оширди. Бу тадбирларга биннон байрам кунини Чўпонотага қатновчи ўнлаб янги автобуслар маршуртувлари очилди. Шу кунини Чўпонотага бораётган йўловчиларни барча автобуслар манзилга бепул етказиб қўйди.

Наврў сайли иштирокчилари Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мардон Мавлонов ва бошқа танқиди санъаткорлар иштирокида куй-қўшиқлар тинглаб, ҳордиқ чиқардилар.

Наврў байрами виллоятнинг барча шаҳар, туманларида кенг нишонланди.

**М. МУҚИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## СУРХОНДАРЁ

Маълумки, баҳор энг аввал Сурхондарёдан бошланади. Бу ерда февралдаёқ бошом гуллайди. Ҳозир эса виллоятда авжи баҳор. Табиатдаги бу яшарли одамларнинг хечрасига кўчган. Шунинг учун ҳам баҳорнинг улғу байрами — Наврў жулда катта шоду хуррамликларининг бошланиб кетишига сабаб бўлди. Шунини айтиш керакки, буттур виллоят деҳқонларининг иши унулиб бўлди. Пахтакорлар режани ортиги билан ўрилатдилар. Фаллакорлар эришган натижалар ҳам таҳсинга лойиқ. Бу йил фаллакорлар кентайди. Ҳо-


зир яшнаб ётган далалар озиқ-лантирилиб, сугорилмоқда. Бу — ҳар гектар фаллазордан 35 центнердан ошириб ҳосил олишга ишончли кафолатдир. Виллоятнинг шимолӣ туманларида эса эртанги қарам ўрай бошлады.

Ҳақиқатдан ҳам Сурхондарёда байрам хурсандчиликлари Наврў келмасдан илгари бошланиб кетди. Барча меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда байрам дастурхони ёзилиб, сумалаклар тайёрланди. байрам тантаналарининг энг зўри Термиз шаҳридаги Мустақиллик майдонида бўлиб ўтди. Байрам сайилни халқ санъаткорлари обод қилдилар. Шу кунини виллоятнинг барча туманларида катта қураш мусобақалари — зўр кўпқарилар бўлди. Совринга эса ўнлаб, юзлаб қўй, эчкилар қўйилди.

Наврў хурсандчиликлари ҳамма хонадонларда, маҳаллаларда давом этади. Чунки Наврў бир кунлик байрам эмас.

**Т. РАЗЗОҚ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## СИРДАРЁ



Эндилкида бог-бўстонга айланган Мирзачўлда Наврў айёмидан бир кун олдин ёққан ёмғир тўё табиатнинг яшарли байрамига ҳозирлиги рамиз бўлди. Наврў ризқ-рўз ва барака билан кириб келди.

Сирдарёликлар ушбу байрамга анча эрта таралдул бошлаган эди. Шу мақсадда шаҳар ва қишлоқлар ораста ва обод қилиниб, миңлаб кўнчалар қурилди. Наврў кўнчалари ўнлаб кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, биргина «Наврў» хайрия жамғармасининг виллоят бўлими 200 оиллага совға-саломлар улашди. Янгиер шаҳридаги қариялар, Гулистондаги болалар уйлари ва Бахт шаҳридаги оналар ва болалар соғлигини тиклаш марказига рангли телевизорлар совға қилинди. Виллоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари меҳр-мурувват тадбирига катта эътибор бердиши.

Вилоятда Наврў айёми арафасида 27 та янги иншоотлар қуриб, фойдаланишга топширилди. Ҳусусан, Гузълкентда яхна ичимликлар заводининг биринчи навбати ишга туширилди. Еш ижодкорлар уйи қурилиш ниҳосига етказилди. Наврў Сирдарёнинг барча шаҳар, қишлоқ ва овуллари бирдек фойда қилди. Байрам тантаналарида қадимий халқ уйинлари, урф-одатлар ва қадриятларимиз яна бир бор қўз-қўз қилинди.

**А. ШЕРНАЗАРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ТОШКЕНТ

### ВИПОЯТИ

«ОҚҚўРФОН» ширкатлар бирлашмасида иқтисодий ислохотлар жадал давом этмоқда. Қўқламги экин-тикин ишларига пухта ҳозирлик қўрилган. Шу боис дала меҳнаткашлари яшариш, ризқ-рўз байрами — Наврўни хуш кайфият билан нишонламоқдалар. Қишлоқ аҳли эрта тонгдан баҳор авж пардаларда атрофта жар солган карнай-сурнайлар наволарини эшитиб, маданият ва истироҳат боғига тўпландилар. Хонадон соҳибалари тайёрлаб келган қўқсомса-у, турли миллий нознема-талар, сумалагу ҳалимлар дастурхонларга тортиди. Бадиий ҳаваскорлик жамоалари байрам концерт дастурларини намойиш этдилар.

Умуман, Тошкент виллоятда қишлоқ ҳўжалигини ислох қилиш изчил давом этаётгани сабабли Наврў тантаналари барча корхона, ташкилот ва қишлоқларда кўтаринки руҳда давом этмоқда. Байрам тантаналарини ҳар жиҳатдан пухта уюштиришда акционерлик савдо бирлашмаси ходимларининг хизматлари, айниқса, салмоқлидир. Ҳамма сайилгоҳларда савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Қишлоқ меҳнаткашлари учун масъулиятли дамлар бошланди. Байрам тантаналаридан сўнг ҳамма далага отланади. Чунки, Наврў қишлоқ аҳлини яратувчан меҳнатга чорловчи байрам ҳақиридир. Ҳар бир оила, маҳалла ва қишлоқдаги хуш кайфият бевосита далаларга кўчиб, меҳнатга ва унинг пировард натижасига кўч-барака бағишлаш шўбҳасиздир.

**А. ҲАТАМОВ,**  
«Народное слово» мухбири.

## ХОРАЗМ

Виллоятнинг барча меҳнат жамоалари, ҳар бир шаҳар ва қишлоқларида, маҳаллаларда Наврў тантаналари нишонланапти. Бу йилги тантаналарининг ўзига хос томони шундаки, у умумхалқ Референдумига тайёргарлик қўриш билан уйғуллашган ҳолда ўтказилапти.

Очиғини айтганда, Урганч автобус корхонаси кўпдан буён бу қадар Наврў байрамининг шохиди бўлмаганди. Бу ерда 600 нафарга яқин киши меҳнат қилади. Ҳаммаси рисоладагидек бўлди: нознема-таларга тўла дастурхон, куй ва қўшиқ, уйин-кулги. Фахрийлар ва нафақахўрларга алоҳида ҳурмат кўрсатилди. Етмиш нафардан ортиқ фахрий ва нафақахўрларнинг уйига корхона раҳбарлари таширф бўуришиб, уларга чопон, аёлларга эса халат совға қилишди. Пул муқофотлари 60 нафардан ортиқ жамоа аъзоларига топширилди.

Автокорхона меҳнаткашларининг табрик чиқишларида 26-мартда ўтказиладиган умумхалқ Референдумида Президент ваколатини 2000 йилгача узайтиришни қўллаб-қувватлаб овоз беражакларини эшитиш, айниқса, ёқимли бўлди.

Байрам жараёнлари учун корхона маъмурияти ва касаб-ушмаси 40 миң сўм маблағ ажратди. Бу маблағ меҳнат жамоасининг Наврў олдидан икки марта ўтказган шанбалмида ишлаб топилганди. Қисқа қилиб айтганда, яхши меҳнат қилинди, байрам ҳам шунга яраша бўлди.

**А. САИДОВ,**  
«Народное слово» мухбири.

## ФАРҒОНА

Таъбир жоиз бўлса, виллоятнинг Мустақиллик майдони Наврў тантаналарини ўтказувчи бош масканга айланди. Бу ерда виллоятнинг барча туман ва шаҳарларидан вакиллар келди.

Йигилганлар кўз ўнгига ажойиб манзара намён бўлди. Бир-бирдан тўзал, дилбар юз нафар раққоса Наврў шукҳунини олиб кирди. Бош майдонда алоҳида саҳна тикланган эди. Виллоятдаги тўрта театрнинг санъаткорлари, сўз усталари, мароқиди саҳна кўринишини намойиш этдилар.

Маҳаллаларда ўтказилган тадбирлар янада завқли бўлди. Соҳилари толопуқ таққан қизлар, чапани йигитлар Наврў таомлари кўригини уюштиришди. «Энг намунали оила», «Оқила уй бекаси», сингари суннатга ётқизди. Жойларда сановат моллари савдоси ташкил этилди. Шўбҳасиз, саховатпешалар шароити оғир, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишди. Болалар уйи, қариялар масканларига совға-саломлар улашдиши.

Наврў тантаналари виллоятнинг барча туман ва қишлоқларида кечгача давом этди.

**Набижон СОБИР,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ҚАШҚАДАРЁ

Наврў Қашқадарё виллоятининг шаҳар ва қишлоқларида, чорвачилик маскани бўлган чўл ва экинзорларига ўзгача шукҳ билан кириб келди. Жойларда баҳор байрамини ўзбекча урф одатларга тўла амалга қилинган ҳолда қўлиб олинди. Наврў арафасида шиофоналарда давона-наётган хаста кишилардан аҳвол сўралди. Қариялар, ногиронларнинг хонадонларига кириб чиқилди, улар турли жамғарма ва ташкилотларнинг фаоллари томонидан уюштирилган хайр-саховатларидан баҳраманд бўлишди.

Наврў тантаналарининг энг каттаси виллоят маркази — Қарши шаҳрининг Мустақиллик майдонида бўлиб ўтди. Бу ерда баҳор ва шодлик байрамга олдидан тайёргарлик қўрилган, майдон узра турли кўргазмалар ўтказишга мўлжалланган муваққат уйлар,

ўтовлар тикланганлиги тантанаворликни бир неча ҳисса ошириб, бу ерга келаётган ҳар бир киши қалбига қадриятларимиз, миллийлигимиз руҳини сингдириб тургандек туюларди.

Наврў — йилнинг бошланиси яшариш, жонлининг байрами. Ерга даслабки уруғ тушиди, дала ишлари бошлаб юборилди.

**П. ГАДОЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ҚОРАҚАЛПО-ГИСТОН



Нукусдаги Мустақиллик майдонида олма ташласа ерга тўшайдигандек тумонот одам йигилган. Қорақалпоғистоннинг ушбу бош майдонидаги Наврўзи олам тантаналари республика раҳбарларининг табрик сўзларини ўқиб эшитиришдан бошланди. Кейин навбат республика театрлари, бадиий жамоалари, болалар дасталари, атоқиди сўз усталарининг театрлаштирилган томошаларига берилди. Майдон узра ўзбекча, қорақалпоқча, қозқочка, туркманча куй-қўшиқлар, ялла-ю ларлар янгради. Моҳир санъаткорлар Наврў айёмига, халқ тарихига, миллатлараро дўстликка бағишланган турли сайилларда иштирок қилишди.

Ўтов, Қорайи, Қоруй, Кизгуй — булар туркий халқларнинг узоқ аجدодлари тикланган дастлабки муҳандислик иншоотларининг ҳозирги атамаларидир. Майдоннинг бир чеккасида ўзбек, қорақалпоқ, туркман, қозқочқ усулларида тикланган ва безанган ўтовлар жойлашган. Уларнинг ичкарисига ёйилган дастурхонлар сумалак, гўжа, қоқулоқ, гўшт ва балиқлардан тайёрланган турли тансиқ таомлар, бугдой ва зогора нонлар, мевалар ва бошқа нознема-талар билан безатилган. Ҳар бир ўтов эгалари ўз дастурхонига кўпроқ меҳмонларни жалб этишга, шўб табаррук айёмда аийнқса кўноқларнинг юқори баҳосига, мақтову таҳсинларига сазовор бўлишга ҳаракат қилишди. «Ассало му алайкум», «Ўртангиз тўлиси», «Байрамларда учрашайлик», «Наврўниқиз кутли бўлсин» каби сўзлар бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ишлатилмоқда.

Наврўзи оламнинг кириб келиши Қорақалпоғистоннинг бошқа туманларида, шаҳар, қишлоқ ва овулларида ҳам катта шоду хуррамлик ва сямимият билан нишонланди.

**Ҳ. АБДУСОДИҚОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИ

Республика Олий Мажлисининг мамлакат Президентини ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш бўйича умумхалқ Референдуми ўтказиш ҳақидаги қарорини бухороликлар ҳам қизгин қўллаб-қувватламоқдалар. Вилоятда Референдумга қандай тайёргарлик қўришмоқда? Мухбиримиз Республика Референдумини ўтказувчи Бухоро округ комиссияси раиси Қобил ҲАМРОЕВ билан ана шу сўхусида сўхатлашди.

— Маълумки, республика Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия қарорига мувофиқ 9 кишидан иборат Бухоро округ комиссияси ташкил этилган эди. Биз дастлаб ишчи комиссия аъзолари билан Референдумни ўтказишга доир чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишдан бошладик. Сўнг комиссия аъзолари «Ўзбекистон Референдумини ўтказиш тўғрисида»ги Қонун билан ана бир бор атрофлича танишиб чиқишди. Унинг моҳияти, мақсад ва вазифалари хусусида ўзаро фикрлашиб олдик. Дарҳақиқат, Референдум энг муҳим сиёсий тадбирлар сирасига қиради. У демократиянинг олий кўриниши, ҳуқуқий давлат қуришининг пойдевориридир.

— Референдумни ўтказиш ушакталари сонини нечта ва улар қандай тартибда тузилган?

## • 26 МАРТ — УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

— Биз дастлабки йиғилишимизда ушакталар сонини аийнқаб олдик. Айни пайтда виллоятда Референдум ўтказувчи 340 та ушакта фаолият кўрсатапти. Округ комиссияси аъзоларининг ҳар бирини аийнқ вазифалари бор. Улар ушакта аъзоларига ташкилий масалаларни ҳал қилишда мунтазам ёрдам бериб туришибди.

Қонуннинг 8-моддасига асосан, уни ўтказиш учун сарфланадиган маблағ давлат бюджетидан ажратилиши қайд этилган. Бухоро виллоятга Референдумни ўтказиш учун 1 миллион 200 миң сўм маблағ ўтказилган. Унинг ҳаммаси ушбу сиёсий тадбирни ташкил қилиш ва ўтказиш учун сарфланади.

**ИШОНЧ**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Биринчи қақирғи биринчи сессияси материаллари муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Университет жамоаси 26 март кунини ўтказиладиган Референдумда фаол қатнашиб, Президент И. А. Каримовнинг ваколатини 2000 йилга қадар узайтирилиши учун яқдиллик билан овоз беришларини изҳор қилишди.

**УМИД НИҲОЛЛАРИ ГУРКИРАБ КЕТДИ**  
Баҳорнинг бири бирига уланган улғу айём кунларида бўлажаклар кўнгида умид ва ишонч ниҳоллари гуркираб кетди.

Бу ёруғ ниятлар биринчи қақирғи республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясига кўтарилган масалалар ва уларнинг рўёбга чиқишидан меҳнаткашлар ҳаётида содир бўлажак ижтимоий-иқтисодий манфаатлар, маънавий юксалишлар кафолати билан боғлиқ. Буни чуқур англаган бўзликлар сессия

материалларини сиңчиқлаб ўрганмоқдалар. Айниқса, Улғубек, Навоий, Бобур, Шодмонов но

# Хайрли ишлар муқаддимаси

**Президент Ислам Каримовнинг илк фармони эълон қилинганга яқинда беш йил тўлади. Эсланг, у нима ҳақда эди?**

... Ушба куни — 25 мартда газеталар олдига ташкил топилган ма- териалларда тўлиб чиқди. Биринчи саҳифада Ислам Каримовнинг минбарда турган сурати: у Ўзбекистоннинг Президентини Президент сифатида қасамбанд қилмоқда. Па- строда — унинг Олий Кенгаш сессиясида Президент сифатида сўзлаган илк нутқи. Ҳамма ўзи- ни газета дўконларига урган — Президентнинг нутқини ўқимок- қа, ундан ўзинча хулосалар чиқар- моққа тиришган. Деярли барча- нинг тилида бир савол — «Энди бу ёғи нима бўлади?». Сабабки, СССР деб аталмиш империя ҳали мустақам, ҳали «марказнинг ҳам кўп ишларида кўли бўлади». Ушба кунлари кўнчилик Ўзбе- кистоннинг илк Президентини ҳа- қидаги хабарлар билан бўлиб, бошқа бир воявани деярли сез- мади: СССРнинг биринчи (кейин биласки, охири) Президенти Михаил Горбачёвнинг илк фар- монлари ҳам матбуотда эълон қил- ланган эди.

— Горбачёвнинг шу иш мена- га умуман ёқмади, — деди ҳам- касбарларимдан бири. — Биринчи фармони — Президент кенгаши- ни тузиш ҳақида бўлибди. Ахир бу янги Политбюро дегани-ку! Бунча майдлашмас, бу Миша амаси.

— Энди Ислам Каримов нима қиларкан? — деди бошқа ҳамкас- бимиз. — Унинг даслабки фар- монлари нима ҳақда бўларкан?

— Нима ҳақда бўлишини бил- майман, лекин Ислам Каримов Президент сифатидаги биринчи қадамни савобли қилишга бошла- шди аниқ. Мана кўрасизлар.

Журналист дўстимизнинг кўнглидаги бу кўнгли ишчи қар- дан пайдо бўлди, ҳозир аниқ айтолмайман. Балки, И. Каримов 1989 йилининг ёзида Ўзбекистон раҳбари этиб сайланганидан сўнг ўтган қисқа вақт ичида юртимиз- да бошланган ҳайрли ишлар — қишлоқ аҳлига томорқа учун ер ажратилиши, «қў олтин» яқна қи- шқилликка чек қўйиш учун таш- ланган илк қадамлар, ўқувчи ва талабаларнинг пахта теримидан озод қилиниши — уни шундай дейишга ундагандир. Балки, И. Каримовнинг Президент сифати- даги илк нутқини ўқиб, шунчалик дадил гапиргандир. Мана ушба та- рихий нутқдан айри сатрлар: «Ўзбекистон Президентини сифа- тда ўзининг асосий вазифала-

рим нималардан иборат деб бил- ламан?»

1. Ўзбекистоннинг сивсий му- стақиллигини мустақамлаш ва янада тақомиллаштириш, уни ян- ги ҳаётий шартин билан бойи- тиш.

2. Республиканинг иқтисоди- йи мустақиллигини, ўз-ўзини идора қилишга ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишини амалга ошириш.

3. Меҳнатқашларнинг, аҳоли- нинг барча табақалари фаровон- лигини ошириш, одамларнинг та- лаб-аҳтиёжларини қондириш, ик- тимойий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш...

4. Президент фаолиятининг... муҳим вазифалардан бири халқ- ни маънавий юксалтириш, инсон- нинг ахлоқий ва ҳисмоний тақо- миллаштириш...

Булари эса «миллий-ижти- мий тараққиёт йўлида барча со- лом кўчалари бирлаштирибгина ҳал қилиш мумкин».

Ва Ислам Каримов барча со- лом кўчалари ўз вақтида бирлаш- тирибди. Мамлакатимизни таҳдид солиб турган фуқаролар ниқоси- дан сақлаб қолди. Уни дунёнинг энг тинч ва оқилона мамлакат- ларидан бирига айлантирди.

Бугун — орадан беш йил ўт- ган, ушба тарихий кунда Прези- дент улугъа ваъда бериб айтган ва ният қилган ишларнинг деяр- ли барчаси амалга ошганлигини ва ошмаётганига гувоҳ бўлиб, турибмиз.

Халқда, ниятнинг яраша бў- ласан. Улугъ инсонни эса улугъ ор- зулар рўёбга чиқаради, деган иб- ратли қабилот бор.

Ўзбекистон Президентининг илк фармонида аниқ аниқ аниқ — Улугъ орзулар йўлидаги бирин- чи қадамлар бўлди.

...Ҳамкасб журналистларнинг ўзари сўхбатидан сўнг кўп ўтма- ди — 1990 йилнинг 4 майда Ислам Каримовнинг илк бор фар- монлари матбуот овозини кўрди ва, не тонгки, қаламқаш дўстимиз ҳақ бўлиб чиқди. Ўзбекистон Прези- дентининг илк фармонлари, ҳа- қикатан ҳам, савобли ишлар ҳа- қида эди. Уларнинг биринчиси «Кўп болали оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғриси- да» бўлса, иккинчиси яқиндагина ўтган «Наврўз» байрами яқуна- рга бағишланган эди.

Энг болажон, энг сиплапар ҳалқининг Президентини бошқа йўл тутиши мумкинми?! Ушанда И. Каримов ўзининг илк фармони билан серферанд оналарга нафа- қалардан нафақа миқдорини бир йўла икки баравар оширди. Бун- дай қадам балки бугун, Ватани- миз ҳам иқтисодий, ҳам сивсий жиҳатдан мустақилликка эришган, унчалик дадил иш бўлиб туол-

Кулман ОЧИЛ. (33а).

## • Мутахассис тавсия этади

**РИВОЯТ қилишларча, бир дошманддан сўра- шибди: «Сиз қандай фазилятларга эга бўлган одамни оқил деб биласиз?» Шунда у: «Билган ишга қўл урган кишини», деб жавоб берибди.**

ДАРҲАҚИҚАТ, юртбоши- миз вилоят, туман ва шаҳар ҳо- кимлари билан мулоқот чоғида таъкидлаганларидек, ҳар ким ўз ишини, яъни деҳқон деҳқончи- лигини, мутахассис мутахассис- лигини, раҳбар раҳбарлигини, қолаверса, олим олимлигини қилсин. Шундангина юксак та- раққиётга эришилади. Бироқ ҳа- ли ҳам эгаллаб турган мансабидан фойдаланиб, олим яратган кашфиётга, мутахассиснинг мас- лаҳатига қўлоқ солмай, ўзинча фикр айтиб, бошқаларнинг га- пини назар-писанд қилмайди- ган раҳбарлар ҳам учраб туради. Ваҳоланки, олимнинг кашфиё- ти осонликча юзага келмайди. Бинобарин, унинг илҳомий то- монлари ишбиланган, демак, амалда қўллашга йўл очиб ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бур- чидир.

Бу ҳақда алоҳида тўхтали- шимдан мудлоо нима?

Маълумки, пахтачиликда асо- сан гоммоз, илдиңчириш, вил- лас қасаллиги ҳосилга катта зар- рар етказди. Шу бойё экинчил- олдин чигитга турли хил кимё- вий дорилар билан ишлов бери- лади. Аммо дориларнинг қайси бири қўлланишдан қатъий назар, бариси инсон саломатлиги учун ҳафлидир. Заҳарли модда ер ости суварига сизиб ўтибди, тупроқ таркибидagi фойдали микроорганизмларни ўлдирди, атроф-муҳитнинг мусаффолиги- га раҳна солиди. Аммо уруелик чигитга экин оқилдан ишлов бери- шининг қишлоқ аҳолисини «заҳри қотил»лардан ҳалос эта- диган термик усули ҳам кашф этилган. У жуда жўн — чигит 60 даражагача иситилган сувда маълум муддат сақланса бас.

Тиббиётдан маълумки, киши танасининг ҳарорати 36 даража бўлганда ўзини тетик ва соғлом ҳис этади. Борди-ю, ҳарорат 37 даражага чиқса, биров лоҳас се- зади. 38-39 даражада эса тиббий ёрдамга муҳтож бўлади. Бу ҳол жониворларга, шунингдек ўсим- лиklar дунёсига ҳам тааллуқли- дир. Ана шу қонуниятга амал қилиб, чигит таркибидagi гом- моз бактериясини иссиқ сув ёр- дамда бартафари этиш устида олиб борилган изланишлар да- вомида бу бактерия ҳарорат 50 даражагача етганда ҳалок бўлиши, чигитнинг унчанглиги эса 70-80 даражагача чидаши аниқлан- ди. Энди деҳқон учун бехатар нутқани, яъни меъёрни белги-

лаш зарур эди. Ниҳоят, сувда 55-60 даражагача иситилиб экил- ган чигит заҳарли моддалар билан ишлов беришдан насаба- тан 2-3 кун олдин қўйғос униб чиқши, қўсақлар 10-15 кун ол- дин пишши, ҳосилдорлик 3,4-5,1 центнер ошиши кузатилди, гўза умуман гоммоз касаллигига чалинмаслиги аён бўлди.

Республика ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон Киш-

ди ва севляқдан тушиши қийин- лашди. Бу, айниқса, туксиз чигит аниқ уялаб экилганда яқ- қол кўзга ташланади. Бундай ҳол юз бермаслиги учун қозон ости- даги ўтин бир текис баланд қи- либ ёқиш лозим. Шунда 80-100 литр сизимли қозондаги ҳаро- рат 12-14 дақиқада 60 даражага чиқади. Ҳарорат 55 даражага ет- ганда ўтин ўчоқдан тортиб, чи- гитни қозондан ола бошлаш ке- рак. Бу даврда ҳарорат 60 дара- жага чиқади.

Айрим мутахассислар чигит тушган сув ҳарорати 60 даража- дан ошса, уруелик чигит қишлоқ қобилиятини йўқотди, деҳ асо- сиз ваҳима қилишади. Бу мул- лако нотўғри гап. Ушдай ол- ган киши ҳароратни аниқ 70 да- ражагача етказиб, чигитни вақ-

сугуриладиган ҳўжаликларда ор- тикча лотоклардан бирини олиб, иккинчи қисмига цемент билан пишкит гишт терилади, сўнг та- гидан сув чиқиб кетадиган 7-10 сантиметр диаметри тешик қў- лириб бекитилади. Ичига (до- ток) эҳтиётга яраша чигит бир текис қилиб солинади. Сўнгра катта қозонда сув 80 даражагача қиздирилади ва челақ билан оли- ниб, то чигит сувга ботгунга қа- дар устидан қўйилади. Шунда 80 даражагача қизган сув до- токка тушиши билан унинг ҳа- рорати пасаяди, яъни чигит ва лоток деворларининг тафти билан 55-60 даражагача тушади. Сувга ботган чигит шу ҳолда 10-15 дақиқа сақланса, ундаги гом- моз кўзгатувчи бактерия бата- мом ўлади. Бунда чигитнинг дў-


занинг 10-17 фоизи гоммоз ка- салига чалинди. Демак, ё чигит гоммоз билан касалланган ёки майдондаги тупроқ таркибида гоммоз касалини кўзгатувчи бак- териялар бўлган. Йил серёин келиб, тупроқ ҳарорати пасайиб кетиши тўғрисида чигитнинг униб чиқши кечиккан, гўзанинг су- ст ўсиши натижасида гоммоз бактериялари тез ривожланиб, ёш ниҳолларга таъсир ўтказди. Ҳар икки ҳолда ҳам, ишонч бил- лан айтиш мумкинки, ўсиш жа- раидида пўстлоқнинг асосий та- рикоти заҳарли ривожланаётган гў- за тўлига яхши таъсир кўрсата олмади. У фақатгина чигит тар- кибидagi гоммозга таъсир кўр- сатади. Лекин илдиңчириш ка- саллигига ва илдиңчириш кемиру- чи заҳаротларга таъсир етмайди.

Термик усул билан чигит гом- ман ҳўжаликлар нафақат гоммоз ва илдиңчириш касаллигидан ку- тилдирил, балки катта иқтисоди- йий фойда ҳам кўради. Чун- ончи, бир тонна броноток до- рисининг нархи ҳозир 12.800 сўм туршиши, шу миқдордаги чигит- ни 6-8 килограмм заҳар са- рфланишига ҳисобга олак, бир тонна чигитни дорилар учун 77103 сўмлик заҳар кетади. За- ҳарланган чигит санитария қон- дасига бинаоан, албатта, қозғо ёки полнетирилди; қопларда ташли- ши шарт. Ҳозирги кунда бир дон қопини нархи ўртача 5 сўм. Бир тонна чигитни жойлаш- тириш учун эса ўртача 50 та қоп керак. Шу боис бир тонна чигит ҳўжаликка етиб келгунча 353 сўмлик ортиқча ҳаражат қили- нади. Бунга чигитни дорилар учун хизмат қиладиган ходим- ларга меҳнат ҳақи тўлаш, мах- сус кийим-бош, ишчиларни озик-овқат билан таъминлаш ҳа- ражатлари кирмайди.

Заволдан келтирилган бир тонна биринчи класс туқли чигитнинг харид бəҳоси 3535 сўм- га тўғри келар экан. Дорилан- маган чигитнинг харид нархи 1940 сўм. Демак, ҳўжалик ҳар бир тонна чигитни 1595 сўм соф фойда кўради.

Чигит термик усулда ишлов берилиб экилса, пахтанинг пиш- иши етилиши анча тезлашади, ҳосилдорлик ошади, тола пишқилди мустақамланади. Соғ- лом уруғ экилиши ҳисобига эса пахтанинг ранги тиниқлашади. Биринчи нав ҳосил миқдори ошади. Энг муҳими — инсон «заҳри қотил»дан ҳалос бўлади, атроф-муҳит муаффоқлашади, тупроқ таркиби эса бойилади.

Роман КЕНЖАЕВ, Ўзбекистон ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институтининг Қашқадарё вилоти филиали бошлиғи.



лук ҳўжалик фанлари академия- сита қарашли гўза уручилиги- ни назорат қилиш марказий ра- садхонаси лабораториясида уч йил давомида ўтказилган синов- ларда ҳам шу натижалар қайд этилди.

1993 йили Қишлоқ ҳўжалик вазирилик тасдиқлаган «Иссиқ сув ёрдамда гўзанинг гоммоз касаллигига қарши курашни уюштириш бўйича тавсиялар»- рига асосан чигит 55-60 даража- га иситилган сувда маълум муд- дат сақланса бас.

Тиббиётдан маълумки, киши танасининг ҳарорати 36 даража бўлганда ўзини тетик ва соғлом ҳис этади. Борди-ю, ҳарорат 37 даражага чиқса, биров лоҳас се- зади. 38-39 даражада эса тиббий ёрдамга муҳтож бўлади. Бу ҳол жониворларга, шунингдек ўсим- лиklar дунёсига ҳам тааллуқли- дир. Ана шу қонуниятга амал қилиб, чигит таркибидagi гом- моз бактериясини иссиқ сув ёр- дамда бартафари этиш устида олиб борилган изланишлар да- вомида бу бактерия ҳарорат 50 даражагача етганда ҳалок бўлиши, чигитнинг унчанглиги эса 70-80 даражагача чидаши аниқлан- ди. Энди деҳқон учун бехатар нутқани, яъни меъёрни белги-

**БАНКНИНГ ВОЙЛИГИ УНИНГ МИЖОЗЛАРИ ВОЙЛИГДАДИР!**  
**БИЗДА МИЖОЗЛАР ҲАМ ДОИМ ҲАҚ!**

**Бизнинг банкда:**

- молиявий аҳвол мутлоқ барқарор;
- банк хизматишнинг бутун мажмуи мужассаси;
- касса хизмати;
- бош валюта лицензияси;
- МДХ мамлакатлари ва чет элларда корреспондентлик счётлари;
- банк ишлари бўйича юқори малакали мутахассислар миждозларга бутун иш кўни давомида юқори даражада хизмат кўрсатишади;
- узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлаш;
- электрон почта тизими бўйича тўлов топшириқларини бир сутка давомида тўлаш;
- ҳар бир миждоз билан яқна иш олиб борилади;
- филиаллар метро линияси ва шаҳар марказида қулай жойлашган.

**"СТРОЙКОММЕРБАНК" ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ЎНТА ЕТАКЧИ БАНК ҚАТОРИГА КИРАДИ.**

**Биз юксак фаровонликка эришишни ҳоҳловчилар билан биргамиз!**

**Банк қуйидаги манзилда жойлашган:**  
Тошкент, Абай кўчаси, 6  
ва Буюк ипак йўли, 63.

Телефонлар:  
67-23-62, 67-24-48, 67-24-51.

**КўРГАЗМА, САВДО ЙРМАРҚАСИ ВА ҲАРОИВЪ ТОМОШАЛАР**

**Модали ва чиройли маҳсулотлар нисбатан арзон нархларда**

- Сиз Тикувчилик саноати Ассортимент ва Модалар республика марказидаги ярмаркамизда модали ва чиройли маҳсулотларни катта ва кичик миқдорда улгуржи ва чакана тарзда сотиб олишингиз мумкин.
- Баҳор-ёз мавсуми газалмалари, пойабзаллари, тикувчилик, трикотаж ва чарм-галантерея буюмлари, чинни идишлар сотилади.

Ярмаркада "Ўзбекгенгилсаноат" уюшмасининг барча ҳиссадорлик жамиятлари ва қорхоналари қатнашадилар.

**Биз Сизнинг 26 мартгача ҳар кунини соат 9 дан кутамиз!**  
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сапёрна кўчаси, 25.  
"Россия" меҳмонхонаси бекати. Телефонлар: 39-10-53, 39-13-49, 56-05-25.

**UZINTOUR**

Германия, Болгария, Туркия, Исроил, Хитой, Сурия, БАА

**СУРИЯ**

"МИДА" (Сурия) фирмаси билан биргаликда. Ҳар 6 кунда, март ойининг биринчи ҳафтасидан бошлаб. Саёҳатнинг энг арзони - бизда. Саёҳатнинг энг мароқлиси ва ажойиб хам - бизда. Гўзал мамлакат бўйлаб саёҳатингиз давомида сиз ўзингизга ёқиб қолган барча нарсаларни сотиб олишингиз мумкин.

**Сафар баҳоси 499 АҚШ доллари ва 1500 сўм.**

**БОЛГАРИЯ**

Агар сиз яхши ҳордиқ чиқарай десангиз. Олтин соҳилида дам олиш сизга тетиклик бахш этади ва руҳингизни кўтарди.

**ЧАРТЕР**

10 июндан бошлаб ва ҳар ҳафтада. Фурсатини бой бермай, буюртмани расмийлаштиришга шошилинг, бўлмаса кеч қолази.

Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли, 115, ("Саёҳат" меҳмонхонасининг орқасида). Телефонлар: (3712) 68-68-26, 41-51-51, 67-53-87, 45-22-50. Факс (3712) 67-45-63.

**YAMAHA — ASIA**

"Ямаха" мусиқа асбоблари ва товуш ускуналари — биринчи қўлдан!  
Кафолат муддати — 1 йил

PSR-510; W5;  
PSR-SQ16; W7.

Наҳд ва ни ўтказиш йўли билан сўзга сотилади.

Тел.: 53-48-71, 53-10-43.

**"СИМА-ТОШКЕНТ"**

Шўъба қорхонаси Тошкентдаги омбордан

**СЛОВАКИЯДА**

ишлаб чиқарилган ЭЦВ маркасига ўхшаш сув таъмирлайдиган насосларни тақлиф этади.

Маълумот учун: тел/факс /3712/ 35-74-10.

